

I. КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК

2018 йилнинг 1 январь ҳолатига рўйхатга олинган жами кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектларининг сони 13495 тани ташкил қилди.

2017 йил январь-декабрда ялпи ҳудудий маҳсулотнинг 69,8 фоизи (2016 йил январь-декабрда 70,8 фоиз) кичик бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқарилди.

2017 йилнинг январь-декабрида кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектлари томонидан:

648,4 минг нафар кишининг бандлиги таъминланди (жами иқтисодиётда банд бўлганларнинг 78,5 фоизи), шундан банд бўлганларнинг 358,1 минг нафари якка тартибдаги тадбиркор, 125,5 минг нафари кичик корхона ва микро фирмалар ҳиссасига тўғри келди;

- саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 2758,8 млрд. сўмни (жами саноат ишлаб чиқаришининг 43,4 фоизи) ёки 2016 йилнинг январь-декабрига нисбатан 98,3 фоизни ташкил қилди;

- 5727,2 млрд. сўмлик қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжаликларининг ишлаб чиқарилган (кўрсатилган хизматлар) ташкил қилиб, ўсиш суръати 102,3 фоизни (қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжаликлари ялпи маҳсулотининг 99,2 фоизи) ташкил қилди.

- 921,6 млрд. сўмлик инвестициялар (умумий инвестиациялар ҳажмининг 8,4 фоизи) ўзлаштирилди

- 1643,5 млрд. сўмлик қурилиш ишлари (қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 67,8 фоизи) бажарилди ва 2016 йилнинг январь-декабрига нисбатан 2,0 фоизга кўпайди;

- автомобил транспорти юк айланмасининг 6,3 фоизга (вилоят жами автомобил транспорти юк айланмасининг 75,6 фоизи), ўловчи айланмасининг эса 3,0 фоизга (умумий ўловчи айланмасининг 97,9 фоизи) кўпайиши таъминланди;

- чакана товар айланмаси умумий ҳажмининг 91,2 фоизи ёки 6000,2 млрд. сўми (ўсиш 15,3 фоиз) ва хизматлар умумий ҳажмининг, мос равишда 74,8 фоизи ёки 4015,3 млрд. сўми (пасайиш 0,5 фоиз) шакллантирилди.

- 80,1 млн. АҚШ доллари (умумий экспорт ҳажмининг 40,5 фоизи) миқдорида маҳсулотлар (товар ва хизматлар) экспорт қилинди, 99,3 млн. АҚШ доллари (умумий импорт ҳажмининг 14,8 фоизи) миқдорида маҳсулотлар (товар ва хизматлар) импорт қилинди.

**2017 йилнинг январь-декабрда кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (ишлар, хизматлар) умумий ҳажмидаги хусусий тадбиркорликнинг
(фуқаролар мулки) улуши**

	<i>Кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (иши, хизмат) ҳажми, млрд.сўм</i>	<i>Кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (иши, хизмат) ҳажмида хусусий сектор улуши, % ҳисобида</i>
--	---	--

Кишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	5727,2	100,0
Саноат	2758,8	63,2
Курилиш	1643,5	59,8
Чакана савдо	6000,2	91,2
Юк ташиш, млн тн.	60,8	38,6
Йўловчи ташиш, млн.киши	272,7	83,8
Экспорт, млн.АҚШ долл.	80,1	0,5
Импорт млн. АҚШ долл.	99,3	13,0

Ялпи ҳудудий маҳсулот ва иқтисодиёт тармоқлари маҳсулоти (ишлар, хизматлар) умумий ҳажмида кичик тадбиркорлик (бизнес) улушининг ўзгариши (умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида)

